

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САТТАРОВА КАМОЛА АБДУЛНАСИРОВНА

**ИММУНИЗАЦИЯСИЗ Rh-МАНФИЙ ҚОНЛИ АЁЛЛАРДА
ҲОМИЛАДОРЛИК ПАТОГЕНЕЗИ ВА УЧРАШИ МУМКИН БЎЛГАН
АСОРАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Саттарова Камола Абдулнасировна

Иммунизациясиз Rh-манфий қонли аёлларда ҳомиладорлик патогенези ва учраши мумкин бўлган асоратларнинг ўзига хос хусусиятлари..... 3

Саттарова Камола Абдулнасировна

Особенности патогенеза возможных осложнений беременности у неиммунизированных женщин с Rh-отрицательной кровью 29

Sattarova Kamola Abdulnasirovna

Peculiarities of the pathogenesis of possible pregnancy complications in women with Rh-negative blood without immunization 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 60

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

САТТАРОВА КАМОЛА АБДУЛНАСИРОВНА

**ИММУНИЗАЦИЯСИЗ Rh-МАНФИЙ ҚОНЛИ АЁЛЛАРДА
ҲОМИЛАДОРЛИК ПАТОГЕНЕЗИ ВА УЧРАШИ МУМКИН БЎЛГАН
АСОРАТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.4. PhD/Tib3105 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Бабаджанова Гулджахон Саттаровна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зуфарова Шахноза Алимджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Джаббаров Улугбек Узакович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент Давлат Стоматология Институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14; e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Т.А. Набиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

К.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда сўнги йилларда ҳомиладорларда резус номутаносиблик хасталиги акушерлик ва гинекология соҳасида кенг тарқалган бўлиб, етакчи ўринни эгалламоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) экспертларининг баҳосига кўра «...туғруқдан кейин дастлабки 28 кун ичида чақалоқлар ўлими ҳомиладорлик пайтида, айниқса резус номутаносиблик мавжуд ҳомиладор аёлларда етарли даражада парвариш етишмаслиги билан боғлиқдир ва бугунги кунга қадар 2,5%ни ташкил қилади...»¹. Буюк Британияда йилига 500дан ортиқ янги туғилган чақалоқда гемолитик касаллик аниқланади, экспертлар маълумотларига кўра ушбу кўрсаткич АҚШ да йилига 200 тани ташкил қилади. Ғарб мамлакатларида резус-манфий ҳомиладорлик частотаси 15% ни ташкил қилади, аммо Ҳиндистонда у 3% дан 5,7% гача ўзгариб туради. Бугунги кунга келиб мавжуд профилактик чораларни қўлланилишига қарамай касалланиш даражасининг ортиши ушбу нозология бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиши зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда она ва ҳомила қонининг номутаносиблигида ҳомила ҳолатини баҳолашнинг замонавий усуллари қўллаш, ҳомиладорликни олиб боришга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Она ва ҳомила қонининг номутаносиблигининг кенг тарқалганлиги ва ҳомила гемолитик касаллиги перинатал ўлим кўрсаткичининг даражаси юқори бўлганлиги сабабли соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим вазифаларидан бири касалликни олдиндан башоратлаш, унинг кейинги ривожланишини олдини олиш, самарали даволаш ва соғлом фарзанд туғилишини таъминлашдан иборат. Шу муносабат билан ҳомила гемолитик касаллигига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, шунингдек, касалликни ташхислашда клиник-функционал ҳамда фенотипик жиҳатларини аниқлашга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда айни дамда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, она ва ҳомила қонининг номутаносиблигини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оналар ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланишни кенгайтириш, уларга ихтисослаштирилган ва юқори технологияларга асосланган тиббий ёрдам кўрсатиш, чақалоқлар ва болалар ўлиминини камайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни янада кенгроқ амалга ошириш...»²га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда резус манфий қон гуруҳига мансуб аёлларда ҳомиладорликни

¹ ЖССТ. Янги туғилган чақалоқларнинг яшаб қолиш ва ижобий оқибатлари кўрсаткичларини ошириш. 19 сентябрь 2020й. <https://www.who.int/ru/news-room/fact-sheets/detail/newborns-reducing-mortality>

² Ўзбекистон Республикаси президентининг 2022 – йил 28-январдаги ПФ-60 сон “2022-2026-йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

кечишини ўрганиш, резус иммунизация ҳолатларини янада самарали ташхислаш ва башоратлаш учун ҳомиладорларнинг қон гуруҳини резус тизими бўйича фенотиплаш, ҳомиладорлик даврида режали доплероетрик ультрасонография текширувларини ўтказишга асосланган ташхис мезонларини асослаш, замонавий технологиялардан фойдаланилган ҳолда замонавий тиббий хизматлар даражасини ошириш ҳамда касалликни олдиндан башоратлаш ҳомиладорлик даврида ва туғруқдан кейинги асоратларни камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2018-йил 7-декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда 2021 йил 29 июлдаги ПҚ–5199-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг маълумотларига кўра, резус номуттаносиблик сабабли юзага келувчи чақалоқлар гемолитик касаллиги глобал ногиронликка, ҳамда йилига 50000 дан ортиқ чақалоқлар ўлимига олиб келувчи касалликлар қаторига киритилади (Hamel S., Esmaeilisaraji L., Thuku M., et al. 2020). Фарбий мамлакатларда Rh манфий ҳомиладорлик частотаси 15% ни ташкил қилади, аммо Ҳиндистонда у 3% дан 5,7% гача ўзгариб туради (Rentta M., Subba T., et al. 2021). Ҳар қандай сабабга кўра юзага келадиган чақалоқлар гемолитик касаллигининг тарқалганлиги 100000 туғруққа 1695тани ташкил қилади (Gabbay J.M., Agneta E.M., et al. 2023). Ҳомиладор аёлларни анти-Д антигени билан эмлаш жорий этилганига қарамай, аксарият мамлакатларда ҳомиладорликнинг салбий оқибатлари давом этмоқда. Резус изо-иммунизацияси чақалоқларда оғир гемолитик камқонлик ва ёмон перинатал натижаларнинг асосий сабабчиси ҳисобланади. (Maruta M. V., et al. 2023).

МДХ давлатларида она ва ҳомила ўртасидаги резус номуттаносиблик натижасида ўлик туғилиш кўрсаткичи 18%ни, муддатига этилмаган чақалоқлар орасида эса 63%ни ташкил этади (Ожерельева М. А. 2015). Резус сенсibiliзация биринчи ҳомиладорлик даврида, баъзи ҳолларда эса 4-5 ҳомиладорликдан кейин содир бўлади (Платонова О.А. ва б. 2021). Баъзи адабиётларда резус номуттаносиблик мавжуд булган аёлларни олиб бориш, ҳомила ҳаётини сақлаб қолиш борасида ноинвазив пренатал ташхислаш ва шунга мувофиқ ёрдам кўрсатиш чора-тадбирлари келтирилган (Дашкевич Э.В. 2023). Шу билан бир қаторда резус иммунизация мавжуд ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликни

кечиши, унинг салбий ва ижобий оқибатлари, юзага келадиган акушерлик ва перинатал асоратлар қайд этилган (Ветров В.В. 2023).

Ўзбекистон олимлари томонидан олиб борилаётган тадқиқотларга қарамай, перинатал касалланиш кўрсаткичи чақалоқлар гемолитик касаллиги ҳисобига ўсиши кузатилиб, 2019 йилда 1,6%ни ташкил қилган бўлса, 2018 йилга келиб бу кўрсаткич 2,6%ни ташкил қилган (Жабборов У.У., Расуль-Заде Ю.Г., 2020). Резус манфий қон гуруҳи мавжуд оилаларнинг юқори частотада (13%) учраши ушбу муаммони долзарблигини таъкидлайди. Айни дамга қадар аёлларда пайдо булувчи изоантитаналарнинг келиб чиқиши тўлиқ асосланмаган (Нажмиддинова Д.К., Ахтамова М.Н., 2021). Ўзбекистонда ўтказилган тадқиқотлар туғруқдан кейин чақалоқларда гипербилирубинемияни комплекс даволашга (Даминов Т.А., Ахмедова Д.И., 1991) ҳамда ҳомиладорларда иммунизация жараёни ривожлангандан сўнг уни даволаш ва ҳомила ичи қон қуйиш амалиётига қаратилган.

Бугунги кунга қадар резус манфий қон гуруҳили ҳомиладор иммунизация ҳолати кузатилмаган аёлларда резус бўйича фенотип кўрсаткичларининг таҳлили ва доплероетрик кўрсаткичларнинг прогностик аҳамияти фенотипга боғлиқлиги ўрганилмаган. Клиник, функционал, биокимёвий ва иммуногематологик кўрсаткичларни ўз вақтида ташхислаш касалликнинг эрта даврида асосли коррекциялаш, перинатал асоратларни камайтириш, оғир кечишини олдини олишга ёрдам беради. Санаб ўтилган муаммога боғлиқ ушбу масалалар батафсил ўрганилиши талаб этилади, бу эса ушбу диссертация мавзусининг долзарблигини асослайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий-таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг акушерлик ва гинекология кафедрасида Давлат илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди, 2022-2025 йилларда рўйхатга олиш №012300281 ИТИ “Она ва бола саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Муаммоларни хал этиш диагностикаси, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш” мавзусидаги илмий ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларда перинатал асоратларни ривожланиш механизмида резус фенотиплар ролини аниқлаш, ҳомиладорликнинг салбий оқибатларини башоратлаш ва профилактика усулини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

иммунизациясиз Rh-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёллардан туғилган чақалоқларда постнатал гемолитик касаллигининг ривожланиш частотасини ретроспектив баҳолаш ва иммунизациясиз Rh-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган аёлларда ҳомиладорлик кечиш хусусиятларини проспектив баҳолаш;

чақалоқлар постнатал гемолитик касаллигининг ривожланиши хавф омилларини ҳамда унинг она ва ҳомила резус фенотиплари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган аёлларда чақалоқлар постнатал гемолитик касаллигининг ривожланишини башоратлаш шкаласини ишлаб чиқиш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган аёлларни олиб бориш ва перинатал асоратлар ривожланишини олдини олиш алгоритминини ишлаб чиқиш; унинг самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2021-2024 йиллар давомида Тошкент шаҳар 9 сонли туманлараро перинатал марказга мурожаат қилган резус манфий қон гуруҳига мансуб 194 нафар ҳомиладор аёллар ва улардан туғилган янги чақалоқлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ҳомиладор аёлларнинг ва уларнинг турмуш ўртоқларининг периферик вена қони ҳамда шу оиладан туғилган чақалоқлар киндик қони олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумклиник, биокимёвий, функционал, иммуногематологик ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёллар барча туғруқларнинг 15,9%ини ташкил этади, уларнинг 14.7% ида резус-D антигени ва АВО тизими бўйича иммунизацияга боғлиқ бўлмаган туғруқдан кейинги чақалоқлар гемолитик касаллиги ривожланиши исботланган;

иммунизациясиз резус-манфий қонли ҳомиладор аёлларда резус антигенлар бўйича фенотиплаш қонда минокор “с” (78.4%), “е” (90.2%) антигенлари аниқланганда ҳомила қонида майнокор “С”, “Е” антигенлари мавжудлигида чақалоқларнинг постнатал гемолитик касаллиги ривожланиш хавфи (OR=2.97; RR=1,39) 1,9 мартаба ошиши ($\chi^2=12,420$, $P\leq 0,05$) аниқланган ва бунинг прогностик аҳамияти исботланган;

иммунизациясиз резус-манфий қонли аёллар резус фенотипининг узига ҳослиги, ҳомиладорлик паритети, анамнезида учраган асоратлар тури, анти резус D иммуноглобулини билан эмланганлиги, доплерометрик кўрсаткичлар натижаларининг намоён бўлиш ҳолатларини акс эттирувчи башоратлаш харитаси ишлаб чиқилган, статистик аҳамиятга эгаллиги ($p<0,001$) исботланган;

иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларни кузатиш ва олиб бориш алгоритмининг жорий этилиши ҳомила ва чақалоқлар гемолитик касаллигини ривожланиш частотасини 2,3 баробар камайтиргани ($\chi^2=6,37$; $P<0,05$) исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иммунизациясиз резус-манфий қонли ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланиши ҳомила/чақалоқлар гемолитик касалли ($t=2.37$, $p<0.001$), муддатдан олдинги туғруқ ($t=3.4$, $p<0.001$), жарроҳлик туғруқ ($t=2.37$, $p<0.001$), туғруқ индукцияси ($t=7.18$, $p<0.001$), ҳомила дисстресс синдроми ($t=8.20$, $p<0.001$), антенатал ўлим ($t=2.77$, $p<0.001$), ҳомила гипотрофияси ($t=2.70$, $p<0.001$) хавф омилларининг ўзига хос хусусиятлари асосланган;

RhD антигенга боғлиқ бўлмаган ҳолда янги туғилган чақалоқларда

гемолитик касаллик ривожланиши корреляцион баҳоланди, резус-манфий қон гуруҳи фенотипига кўра она "ссее" ва ҳомила "ССее" фенотипида 47,9% ҳолатда, она "ссЕе" ва ҳомила "ССее" фенотипида 50,0% ҳолатда, она "Ссее" ва ҳомила "ССее" фенотипида 50,0% ҳолатда, шунингдек, ҳомила "СсЕЕ" фенотипида 100% ҳолатда ҳомила ёки чақалоқлар гемолитик касаллиги ривожланиши асосланган;

иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган аёллар ва уларнинг турмуш ўртоғининг резус фенотипи, ҳомиладорлик паритети, анамнезида учраган асоратлар тури, анти резус D иммуноглобулини билан эмланганлиги, доплероетрик кўрсаткичлар натижаларининг намоён бўлиш ҳолатларини ақс эттирувчи башоратлаш харитаси самарадорлиги асосланган;

иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларни олиб бориш алгоритмининг тадбиқ этилиши ҳомиладорликнинг эрта босқичларида профилактик кузатув, резус антигенлар буйича фенотиплаш, динамик доплероетрик кузатув, зарурат бўлганда, ноинвазив диагностика усулларида ҳомила резус мансублигини фетал ДНК таҳлили орқали аниқлаш ҳамда хавф омили мавжуд бўлганда кейинги олиб бориш тактикасини тавсия этиш янги туғилган чақалоқларда постнатал гемолитик касаллик ва у билан биғлиқ асоратларни ривожланиш частотасини 2,3 мартага камайтириши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, резус манфий қон гуруҳили ҳомиладор аёлларни олиб боришни такомиллаштирилганилиги, клиник, лаборатор, функционал ва статистик тадқиқот усулларида асосланганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларининг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, клиник, функционал, биокимёвий ва гематологик маълумотларни баҳолаш орқали иммунизациясиз резус-манфий қонли ҳомиладор аёлларда перинатал асоратлар ривожланишининг патогенетик механизмлари хусусиятларини аниқлаш, янги туғилган чақалоқларда постнатал гемолитик касаллик ривожланиш хавфини ўз вақтида аниқлаш имконини беради ҳамда олинган маълумотлар иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёллар қонида фенотипларни аниқлаш ва перинатал асоратларни эрта ташхислаш усулларида такомиллаштиришга кўмаклашувчи, соғлиқни сақлаш соҳасига катта ҳисса қўшувчи диагностик мезонлар сифатида таклиф этилиши мумкинлиги билан изоҳланади

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланиш хавфини башоратловчи тавсия этилган математик модел, ҳамда умумклиник, биокимёвий, функционал ва фенотипик текширувлар

натижаларига асосланган ҳолда ҳомиладор аёлларни олиб бориш бўйича ишлаб чиқилган алгоритм ҳомила гемолитик касаллигини эрта даврида асосли коррекциялаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларда ташхисни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёллар барча туғруқларнинг 15,9%ини ташкил этади, уларнинг 14.7% ида резус-D антигени ва АВО тизими бўйича иммунизацияга боғлиқ бўлмаган туғруқдан кейинги чақалоқлар гемолитик касаллиги ривожланиши исботланганлиги (“Методы прогнозирования и профилактики постнатальной гемолитической болезни новорожденного у беременных женщин без резус-иммунизации” мавзусидаги услубий тавсиянома (Ўзбекистон Республикаси ССВ ТТА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши 22.05.2023й.да 05-23/34-т сон билан тасдиқланган)) Республика перинатал маркази бўйича 12.07.2024 йилдаги 150-сонли буйруқ, Тошкент вилояти Чиноз тумани тиббиёт маркази бўйича 15.07.2024 йилдаги 2220-10-144-ТБ/2024-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/59-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларнинг юқори даражада учрашини аниқлаш чақалоқларда гемолитик касалликларни эрта башоратлаш ва профилактика усулларини такомиллаштириш имкониятини яратади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни башоратлаш ва мақбул профилактик чора-тадбирлар ўтказилиши туфайли чақалоқлар постнатал гемолитик касаллигининг кескин камайиши, оғир ҳолатларда чақалоқларни реанимацион парваришлаш ва бошқа муассасага кўчиришга эҳтиёж қолмаганлиги сабабли 145 бемор учун 87250270 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** чақалоқлар гемолитик касаллигини тўғри ва эрта ташхислаш, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 601726 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: иммунизациясиз резус-манфий қонли ҳомиладор аёлларда резус антигенлар бўйича фенотиплаш қонда минор “с” (78.4%), “е” (90.2%) антигенлари аниқланганда ҳомила қонида майор “С”, “Е” антигенлари мавжудлигида чақалоқларнинг постнатал гемолитик касаллиги ривожланиш хавфи (OR=2.97; RR=1,39) 1,9 маротаба ошиши ($\chi^2=12,420$, $P= \leq 0,05$) аниқланган ва бунинг прогностик аҳамияти исботланганлиги (“Методы прогнозирования и профилактики постнатальной гемолитической болезни новорожденного у беременных женщин без резус-иммунизации” мавзусидаги услубий тавсиянома (Ўзбекистон Республикаси ССВ ТТА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши 22.05.2023й.да 05-23/34-т сон билан тасдиқланган)) Республика перинатал маркази бўйича 12.07.2024 йилдаги 150-сонли буйруқ, Тошкент

вилояти Чиноз тумани тиббиёт маркази бўйича 15.07.2024 йилдаги 2220-10-144-ТБ/2024-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/59-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тадқиқотлар натижаларига кўра иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларда резус фенотипларни аниқлаш акушерлик ва перинатал асоратларини ривожланишини эрта башоратлаш ва олдини олиш олишга имкон яратади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни башоратлаш ва мақбул профилактик чора-тадбирлар ўтказиш орқали оғир асоратларни даволашга эҳтиёж қолмаганлиги сабабли 114 бемор учун 38018202 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ҳомиладор аёлларда резус фенотипларни аниқлаш орқали акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишини эрта башоратлаш тўғри ва ўз вақтида ташхислаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 333493 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: иммунизациясиз резус-манфий қонли аёллар резус фенотипининг узига ҳослиги, ҳомиладорлик паритети, анамнезида учраган асоратлар тури, анти резус D иммуноглобулини билан эмланганлиги, доплероетрик кўрсаткичлар натижаларининг намоён бўлиш ҳолатларини акс эттирувчи башоратлаш харитаси ишлаб чиқилган, статистик аҳамиятга эгаллиги ($p < 0,001$) исботланганлиги (“Методы прогнозирования и профилактики постнатальной гемолитической болезни новорожденного у беременных женщин без резус-иммунизации” мавзусидаги услубий тавсиянома (Ўзбекистон Республикаси ССВ ТГА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши 22.05.2023й.да 05-23/34-т сон билан тасдиқланган)) Республика перинатал маркази бўйича 12.07.2024 йилдаги 150-сонли буйруқ, Тошкент вилояти Чиноз тумани тиббиёт маркази бўйича 15.07.2024 йилдаги 2220-10-144-ТБ/2024-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/59-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** таклиф этилган башоратлаш усули ҳомила ва чақалоқлар гемолитик касалликларини эрта аниқлаш имконини берди, бу эса гемолитик касаллик натижасида юзага келадиган чақалоқлар ногиронлиги ва перинатал ўлими сонини камайтириш имкониятини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни башоратлаш ва мақбул профилактик чора-тадбирлар ўтказилиши туфайли чақалоқлар постнатал гемолитик касаллигининг кескин камайиши, оғир ҳолатларда чақалоқларни реанимацион парваришлаш ва бошқа муассасага кўчиришга эҳтиёж қолмаганлиги сабабли 114 бемор учун 68596764 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ҳомиладор аёлларда резус фенотипларни аниқлаш орқали акушерлик ва перинатал асоратларни ривожланишини эрта башоратлаш тўғри ва ўз вақтида ташхислаш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 601726 сўмга иқтисод қилиш

имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларни кузатиш ва олиб бориш алгоритмининг жорий этилиши ҳомила ва чақалоқлар гемолитик касаллигини ривожланиш частотасини 2,3 баробар камайтиргани ($\chi^2=6,37$; $P<0,05$) исботланганлиги (“Методы прогнозирования и профилактики постнатальной гемолитической болезни новорожденного у беременных женщин без резус-иммунизации” мавзусидаги услубий тавсиянома (Ўзбекистон Республикаси ССВ ТТА мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши 22.05.2023й.да 05-23/34-т сон билан тасдиқланган)) Республика перинатал маркази бўйича 12.07.2024 йилдаги 150-сонли буйруқ, Тошкент вилояти Чиноз тумани тиббиёт маркази бўйича 15.07.2024 йилдаги 2220-10-144-ТБ/2024-сонли буйруқ билан амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 ноябрдаги 09/59-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** тавсия этилган алгоритмининг жорий этилиши чақалоқлар гемолитик касаллигини ривожланиш хавфи юқори бўлган гуруҳга кирувчи ҳомиладор аёлларда перинатал асоратлар, муддатдан олдинги туғруқлар, чақалоқлар гемолитик касаллигининг оғир шакллари учрашини қисқартиришга эришилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** иммунизациясиз резус-манфий қон гуруҳига мансуб бўлган ҳомиладор аёлларда акушерлик ва перинатал асоратларни башоратлаш ва мақбул профилактик чора-тадбирлар ўтказилиши, шунга мувофиқ ўртача стационар даво кунларини қисқартирилиши ва овқатланиш харажатларининг камайиши натижасида 114 бемор учун 68596764 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ҳомиладорларни олиб бориш ва чақалоқлар гемолитик касаллигини эрта ташхислаш бўйича таклиф этилган алгоритмни қўллаш бир нафар чақалоқ ҳисобига бюджет маблағларини 601726 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация иши материаллари бўйича 20 та илмий иш чоп этилган, шундан 6 та журнал мақоласи, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлардан 5 таси республика, 1 таси ҳорижий журналларда, 1 та услубий тавсиянома, 7 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 111 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари

тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ҳомиладорларда резус иммунизация ва бугунги кундаги муаммолар тўғрисида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида резус иммунизацияси муаммосининг ҳозирги кўриниши, диагностика, прогноз ва олиб бориш тамойиллари ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган. Резус-манфий қон гуруҳи бўлган ҳомиладор аёлларнинг эпидемиологияси, гемолитик касаллик этиологияси, патогенези, клиник, инструментал, иммуногематологик ва биокимёвий тадқиқот усуллариининг ўрганилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқот материаллари ва усулларига ёндашув**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг клиник материали ва лаборатор усуллариининг умумий хусусиятларини ўз ичига олувчи маълумотлар келтирилган. Тадқиқот бир неча босқичда ўтказилди: 1-босқичда 2021 йил январидан 2021 йил декабригача бўлган даврда 9-сонли акушерлик туғруқ мажмуасида 7315 туғруқ тарихи ретроспектив клиник ва статистик таҳлил ўтказилди ва резус-манфий қон билан туғилиш тарихининг улуши 1163 йилда бўлганлиги аниқланди. аёллар, бу 15,9% еди. Улардан 171 та ҳолат (барча резус-манфий ҳомиладор аёлларнинг 14,7% ва бу даврда барча туғилишларнинг 2,4%) янги туғилган чақалоқлар енгил даражадаги камқонлик билан болалар туғилиши, шунингдек, туғруқдан кейинги гемолитик касалликнинг ривожланиши кузатилган.

Иккинчи босқичда 194 нафар ҳомиладор аёл текширилди, улар Тошкент шаҳридаги 9-сонли туманлараро перинатал марказида текширилди ва туғдирилди. Барча текширилган ҳомиладор аёллар ва чақалоқларнинг киндик қонини текширишга розилик имзоланди. Биринчи асосий гуруҳ 114 ҳомиладор аёлдан иборат еди, бу гуруҳ аёллари 28-ҳафтада антирезусиммуноглобулин D ни қабул қилишди. Бу гуруҳ 3 та кичик гуруҳга бўлинган. IA гуруҳ (n=51) резус мусбат қон гуруҳига мансуб чақалоқлар гемолитик касаллик белгилари билан IB (n=29) гуруҳчани резус мусбат қон гуруҳига мансуб лекин иммунизация белгиларисиз туғилган чақалоқли резус манфий аёллар ташкил этди. IC гуруҳини (n=34) резус манфий қон гуруҳига мансуб чақалоқлар туғилган аёллар ташкил этди. Иккинчи таққослаш гуруҳи (n=31) иммунизацияли резус манфий қон гуруҳили қайта туғувчи ҳомиладор аёллардан иборат. Назорат гуруҳи биринчи ҳомиладорли резус манфий қон гуруҳига мансуб аёлларни (n=49) ўз ичига олди. Йиғилган анамнез шуни кўрсатдики, 57% ҳолларда аёллар antiRhIgD билан эмланмаган. Иммунизация қилинмаганлик сабаблари 17% ҳолларда эрта репродуктив йўқотишлар, 41% биринчи туғруқдан кейин олинган, аммо кейин олинмаган, 13% туғруқдан кейинги 3-куни иммунизация қилинган, 16% ҳолларда янги туғилган чақалоқлар анамнезида резус манфий бўлган, 7% давлат муассасасида

препаратнинг йўқлиги, 5% оилавий сабабларга кўра эмлашдан бош тортган ва 1% онанинг резус мансублигини нотўғри таҳлил қилган.


Тадқиқотга киритилган беморлар физиологик ҳомиладорликни олиб бориш бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий клиник соғлиқни сақлаш протоколида назарда тутилган тўлиқ клиник ва лаборатория текширувидан ўтдилар. Илмий ишда қўлланилган тадқиқот усуллари танлаш акушерлик ва неонатологияда текширув ҳажми бўйича миллий стандартларига, шунингдек лаборатория диагностикаси, иммуногематологик, фенотипик текширув ва статистик тадқиқотлар бўйича тавсияларга мувофиқ ўтказилган. Анамнестик маълумотларни баҳолаш учун тиббий таҳлил ўтказилди. Хужжатлар: ҳомиладор аёлларнинг индивидуал алмашинув карталари, туғруқ тарихи, янги туғилган чақалоқларнинг ривожланиш ва касаллик тарихи.

Бевосита антиглобулин тестида антиэритроцитар антитаналарни скрининг қилиш, антитаналарни фенотиплаш, резус ва Келл тизимлари бўйича ҳомиладор аёлнинг антигенларини фенотиплаш, иммуноглобулинларининг субклассларини аниқлашни ўз ичига олган ҳомиладор аёлларнинг иммуногематологик текшируви лабораторияда центрифуга, ID-карта ва BIO RAD (Франция/АҚШ) компаниясининг стандарт эритроцитларидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Ҳомиладор, туққан аёл, ҳомиланинг киндик қони ва янги туғилган чақалоқлар қонини гемоглобин, гематокрит ва эритроцитлар миқдорини аниқлаш билан умумклиник текшириш "Abbott diagnostics" (АҚШ) фирмасининг "Cell-Dyn - 3500R" гематологик анализаторида ўтказилди.

Ҳомиладорларда бачадон-йўлдош қон айланиши бузилишларини ташхислаш мақсадида «Aloka SSD-1400» доплер датчиги билан жиҳозланган бачадон ва киндик артерияларининг ультратовушли доплерометрик текшируви ўтказилди. Иккита стандарт усул билан ультратовуш диагностикаси (UTD), бачадон ва киндик артерияларининг ультратовушли доплерометрик текшируви 3,5 ва 5 МГц Алока SSD-1400 доплер датчиги билан жиҳозланган УТТ аппаратида ўтказилди.

Диссертациянинг «**Резус - манфий қон гуруҳи бўлган аёлларда ҳомиладорликнинг хусусиятлари ва унинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида ўтказилган текширув натижалари таҳлил қилинган, таққосланган гуруҳлардаги беморларнинг умумий хусусиятларини тавсифлайди.



1-расм. Гуруҳлар кесимида олинган аёллар ёш кўрсаткичлари, (%)

Резус-манфий ҳомиладор аёлларни танлашда қон гуруҳига мансублиги ҳам ҳисобга олинган. Шундай қилиб, биринчи I(0) қон гуруҳи бўлган ҳомиладор аёллар АВО иммунизациясини истисно қилиш учун ушбу тадқиқотда қатнашмадилар. Ўртача ёш таққослаш гуруҳида 29,3 ташкил етган бўлса, бу кўрсаткич назорат гуруҳида 20,57 ташкил этди (1-расм). Қиёсий таҳлил шуни кўрсатдики, асосий гуруҳлардаги беморларнинг ёши назорат гуруҳига қараганда каттароқ ($t=1,98$; $p<0,1$).

Текширилган аёллар орасида анамнезида соматик касалликларнинг частотаси юқори, ўткир респиратор вирусли инфекция, сийдик тизими касалликлари, гепатит ва асосий гуруҳларнинг анемияси назорат гуруҳига нисбатан статистик аҳамиятга ега еди. Текширилаётган гуруҳларнинг акушерлик тарихининг хусусиятлари таҳлил қилинди. Биринчи бор ҳомиладор аёллар 49 ҳолатда (25,3%) кузатилган ва назорат гуруҳига танланган.

Асосий гуруҳга барча қайта ҳомиладор аёллар киритилган (74,7). Асосий гуруҳнинг 14 та ҳолатида (7,2%) қайта ҳомиладор, лекин биринчи туғувчи аёллар ҳам учради. Текширилган аёллар орасида гуруҳларда туғилиш частотаси статистик жиҳатдан аҳамиятли еди. ($\chi^2-137.567$: $p>0.001$). Анамнезда репродуктив функциянинг хусусиятларини ўрганилганда, асосий гуруҳнинг 85,9 фоизида муддатдаги туғруқ кузатилди, бу кўрсаткич таққослаш гуруҳида 67,7% га қараганда анча юқори, назорат гуруҳига еса барча биринчи ҳомиладор аёллар киритилган.


Ҳомиладорлар анамнези ўрганилганда асосий гуруҳда 15,7% тиббий абортлар, 33,2% ўз ўзидан ҳомила тушиши, 21,9% ҳолларда ривожланмайдиган ҳомиладорлик билан асоратланган. Ушбу кўрсаткич таққослаш гуруҳида тиббий абортлар 3,2%, ўз-ўзидан ҳомила тушиши 22,5%, ривожланмаган ҳомиладорлик 12,9% ҳолларда кузатилган. Ушбу кўрсаткич назорат гуруҳида йўқ эди, чунки назорат гуруҳидаги барча ҳомиладорлар биринчи марта ҳомиладор бўлган. Ҳомиладорликнинг биринчи ярмининг кечиши ўрганилиб, ўз-ўзидан ҳомила тушиши хавфи ҳомиладорликнинг биринчи ярмида ҳомила тушиши хавфини

камайтириши аниқланди (12,7%) ($\chi^2=24,692$ $p=0,001$). Ҳомиладор аёлларда эрта токсикозлар назорат гуруҳига нисбатан асосий ва таққослаш гуруҳларида сезиларли даражада кўпроқ кузатилди (χ^2 19,54 $p=0,001$). Ҳомиладорликнинг иккинчи ярмининг кечиши ўрганилди, бунда асосий гуруҳда ўткир респиратор вирусли инфекциялар 28,9%, камқонлик 44,7%, енгил даражадаги нормал жойлашган йўлдошнинг муддатидан олдин кўчиши 15,6%, гестацион гипертензия 17,6%, таққослаш гуруҳида эса ҳомиладорликнинг иккинчи ярмининг асоратлари энг кўп учраган. (χ^2 13,620 $p=0,009$) ҳомиланинг антенатал ўлими, ҳомила-йўлдош қон айланишининг бузилиши (χ^2 134,289 $p=0,001$) таққослаш гуруҳида кўпроқ кузатилган.

Туғруқдан кейин барча чақалоқлар Апгар шкаласи бўйича неонатолог билан биргаликда баҳоланди, таҳлил маълумотларига кўра биринчи А гуруҳида турли даражадаги гипоксия бўлган болалар 41,2% ҳолатда бўлган. Туғилган барча чақалоқларда қон гуруҳи, умумий қон таҳлили, қонни биокимёвий таҳлили, чақалоқ резус фенотипини аниқлаш учун киндик қони таҳлили олинди.

Туғруқдан кейинги 1-кунда янги туғилган чақалоқларнинг лаборатор-клиник маълумотлари таққосланганда, асосий гуруҳида ва таққослаш гуруҳида қондаги гемоглобин даражаси меъёрий қийматлардан 1,2 бараварга паст эканлиги аниқланди, шунингдек, асосий гуруҳида резус мусбат чақалоқларда туғруқдан кейинги 3-кун қайта таҳлил қилинганда қондаги гемоглобин даражаси сезиларли даражада 1,3 бараварга камайди (2-расм).

Чақалоқ қонида гемоглобин кўрсаткичи 1,3 сутка




2-расм Чақалоқлар қонида гемоглобин кўрсаткичи (г/л)

Туғруқдан кейинги 1-кундаги чақалоқларнинг биокимёвий кўрсаткичлари таққосланганда, асосий гуруҳнинг 1А кичик гуруҳидаги чақалоқлар қонидаги билирубин даражаси туғруқдан кейинги биринчи суткада меъёр даражасида эканлиги аниқланди, аммо бу кўрсаткич ўртача 1,9 бараварга ошди, бу янги туғилган чақалоқларда гемолитик сариқликнинг 1-даражасига тўғри келди (3-расм). Қайта ҳомиладорлик кузатилганда гемолитик касаллик хавфи ҳар бир такрорий ҳомиладорлик билан 2,3 баравар ортади ($\chi^2=4,87$; $P<0,05$). Асосий гуруҳида постнатал гемолитик анемиянинг улуши 33,3% ($n=34$) ҳолатни ташкил этган этди.

Гемолитик сариқлик асосий гуруҳнинг 1А кичик гуруҳида постнатал даврда ($n=7$) 13,7% ҳолатда кузатилди. Ҳомиланинг антенатал ўлими асосий гуруҳнинг 1А кичик гуруҳида 2 (3,9%) ҳолатда, таққослаш гуруҳида 4 (12,9%) ҳолатда

кузатилди.

Чақалоқ қонида билирубин кўрсаткичи 1чи ва 3чи сутка



3-расм Чақалоқлар қонида билирубин кўрсаткичи (мкмоль/л)


Назорат гуруҳини барча соғлом чақалоқлар ташкил этди. Бинобарин, резус-манфий қон билан касалланган, иммунизациясиз, превентив терапиядан ўтган аёллар ҳам ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда қаттиқ назорат остида бўлишлари керак. Иммунизациясиз резус-манфий қонли барча ҳомиладорлар ҳомиладорликнинг дастлабки муддатларида антирезус иммуноглобулин D билан эмланган бўлсаларда, янги туғилган чақалоқлар гемолитик камқонлик, шунингдек, постнатал гемолитик сариқлик ривожланиши билан туғилган.

Демак, резус-манфий қонли, иммунизациясиз, профилактик терапиядан ўтган аёллар ҳам ҳомиладорлик, туғруқ ва туғруқдан кейинги даврда қаттиқ назорат остида бўлишлари керак. Ҳомила ва чақалоқнинг гемолитик касаллиги ривожланишининг эрта хавф омилларини аниқлаш учун.

Диссертациянинг «**Резус-манфий ҳомиладорликда фетоплацентар ва иммуногематологик текширувнинг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида резус-манфий ҳомиладорликда фетоплацентар комплекснинг эхографик тавсифи батафсил келтирилган. Резус-манфий ҳомиладор аёлларда бачадон-йўлдош ва фето-йўлдош қон айланишини ўрганиш мақсадида бачадон артериялари, киндик артериялари, аорта ва ҳомиланинг ўрта мия артериясида қон оқимининг тезлиги эгри чизиқлари аниқланди. Ўзгарувчилар ўртасидаги коррелятсион алоқаларни аниқлаш учун Спирмен ва Гамма усулларида фойдаланилди.

Ҳомиладорликнинг 28-32 ҳафтасида систолик-диастолик нисбат асосий гуруҳда ўртача $2,84 \pm 0,02$ ни, таққослаш гуруҳида $3,84 \pm 0,02$ ни, назорат гуруҳида эса бу кўрсаткич $1,13 \pm 0,02$ ни ташкил этди. Асосий ва таққослаш гуруҳларининг таҳлил натижалари назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилди ($\chi^2=102,4$; $p=0,001$). Кўрсаткичнинг максимал қийматлари IA кичик гуруҳида ($p<0,05$) бошқа кичик гуруҳлар ва таққослаш гуруҳига ($p=0,0001$, $p=0,01$, $p=0,0000$) нисбатан сезиларли даражада тез-тез кузатилган, аммо ҳомилада сезиларли камқонлик синдромида ҳам қон оқимининг максимал систолик тезлиги 1,5 МоМ

даражасидан ошмаган. Ҳомиладорликнинг барча муддатларида асосий гуруҳ ҳомилаларининг СМАда қон оқимининг максимал систолик тезлиги (ҚСЧТ) кўрсаткичлари қиёсий ва назорат гуруҳларидан ишончли фарқ қилди (4-расм).



4-расм Ҳомиладорлик даврида доплеромерик систолик қон айланишининг тезлик чуққиси кўрсаткичи, (см/с)

Шундай қилиб, 20-24 ва 25-28 гестатсия муддатларида асосий гуруҳ ва назорат гуруҳи беморларини динамик кузатувда ҳомиланинг СМАдаги ПССК қийматлари сезиларли даражада фарқ қилди. Шундай қилиб, 20-24 гестатсия муддатларида асосий гуруҳда ПССК 34,0 (30,0-36,0) см/с; таққослаш гуруҳида - 38,0 (30,0-42,0) см/с ни ташкил этди, бу назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилади, бу ерда ушбу кўрсаткич 30,5 (28,5-34,0) см/с ($t=2,11$; $p<0,05$) га тенг эди. 25-28 гестатсия муддатларида эса асосий гуруҳда КЧАЯК 45,0 (40,0-47,0) см/с; таққослаш гуруҳида - 41,0 (40,0-44,0) см/с ни ташкил этди ва назорат гуруҳи билан ҳам сезиларли даражада фарқ қилди - 36,0 (31,0-44,0) см/с ($t=2,58$; $p<0,05$). Бироқ, юқорида тавсифланган ишончли фарқларга қарамай, асосий гуруҳ ҳомилаларининг СМА даги ПССК кўрсаткичлари меъёрий қийматлардан четга чиқмади. 29-32 гестатсия муддатларида асосий гуруҳда ПССК 60,3 (44,0-55,0) см/с ни ташкил этди, бу $1,48\pm 0,02$ МоМ га тўғри келди; таққослаш кичик гуруҳида - 71,0 (40,0-55,0) см/с ва $1,65\pm 0,03$ МоМ, бу назорат гуруҳидан сезиларли даражада фарқ қилади, бу ерда ушбу кўрсаткич 48,3 (28,5-34,0) см/с ва $1,25\pm 0,02$ МоМ ($t=1,64$; $p<0,05$) га тенг эди. Гестатсия муддатларида эса асосий гуруҳда ПССК 70,5 (54,0-65,0) см/с ни ташкил этди, бу $1,34\pm 0,02$ МоМ га тўғри келди; таққослаш гуруҳида - 80,5 (53,0-65,0) см/с ва $1,59\pm 0,03$ МоМ ва назорат гуруҳи билан ҳам ишончли фарқ қилди - 64,5 (57,0-70,0) см/с ва $1,12\pm 0,03$ МоМ ($t=1,14$; $p<0,05$). Шундай қилиб, фетоплатсентар комплекснинг (ФПК) доплерографик текширувидан GBS ривожланиш хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳларини башорат қилиш учун фойдаланиш керак. Бироқ, ташхис қўйишда ультратовуш текшируви, кардиотокография ва доплерометрия маълумотларини талқин қилишга комплекс ёндашув муҳимдир.

Беморларни бирламчи иммуногематологик текширишда АВО тизими

бўйича қон гуруҳи аниқланди. Шу билан бирга, қоннинг 2-гуруҳга мансублиги асосий ва таққослаш гуруҳларида сезиларли даражада тез-тез учраши, қоннинг 3-гуруҳга мансублиги эса назорат гуруҳида кўпроқ учраши статистик жиҳатдан аҳамиятли бўлди. Янги туғилган чақалоқларнинг қон гуруҳлари ўрганилди. Янги туғилган чақалоқлар орасида эркак жинсига мансуб 105 нафар чақалоқ (54,1%) бироз устунлик қилди.

Янги туғилган чақалоқларда АВО тизими бўйича қон гуруҳини бирламчи аниқлаш туғруқхонада стандарт изогемагглютинатсияловчи зардоблар ёрдамида ўтказилди. Текшириш учун қон киндик томирларидан олинди. Бунда гелли тест ёрдамида чақалоқни фенотиби аниқланади. Янги туғилган чақалоқларнинг гуруҳларга мансублигини таҳлил қилиш маълумотлари шуни кўрсатдики, асосий ва таққослаш гуруҳларида энг кўп 3-гуруҳга мансублик, назорат гуруҳида эса 2-гуруҳга мансублик устунлик қилди. Барча янги туғилган чақалоқларнинг 70,7% ни резус мусбат болалар ташкил этди. Биз ўрганилаётган беморларда резус-фенотипларининг учраш частотасини ўргандик. Натижалар Rh (D) мусбат янги туғилган чақалоқлар орасида энг кўп DCcее-фенотиби учраши (31,6%), кейин камайиб борувчи DCcЕе- (21,4%), DCcЕе- (18,6%) ва DccЕе- фенотиплари (15,9%) учрашини аниқлашга имкон берди. Rh (D)-манфий беморлар орасида ccddее-фенотиби (89,1%) энг кўп тарқалган, кейин Ccdее- (26,3%), ccddЕе- фенотиплар (1,8%), қолганлари 1% дан камни ташкил қилади. Тукқан ва янги туғилган чақалоқлар қонини фенотиплаш маълумотларини таҳлил қилишда антигеннинг генотип ва фенотип бўйича тарқалиши шакллантирилди. Гель асосидаги резус антиген бўйича фенотиплаш ўтказилди. Онанинг ва чақалоқнинг резус антигенлари бўйича қоннинг фенотиплаш маълумотларини таққослаганда, 1А кичик гуруҳида онада "с" антигенининг устунлиги (80,4%) аниқланди, бу ерда болаларда "С" антигенининг устунлиги (78,4%) аниқланди, бу камқонлик белгилари бўлган чақалоқлар туғилиши ва чақалоқларнинг постнатал гемолитик касаллиги ривожланиш хавфини асослайди. Гуруҳлар бўйича янги туғилган чақалоқлар фенотиби билан солиштирганда ҳомиладор аёлларда резус антиген бўйича фенотипнинг мавжудлиги қиёсий таҳлил қилинди (1-жадвал). Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, минор ва мажор антигенларнинг учраши турли кичик гуруҳларда фарқ қилди, яъни 1А гуруҳда "с" 80,4%, "е" 94,1% антигенларнинг минор тури устунлик қилди, бу назорат гуруҳига нисбатан сезиларли эди. Янги туғилган чақалоқлар қонини фенотиплашнинг ушбу таҳлиллари натижаси 1А гуруҳида асосий антигенларнинг кўпроқ мавжудлигини кўрсатди, "С" 78,4%, "Е" 11,7%, бу сезиларли эди. Ўтказилган таҳлил маълумотлари шуни кўрсатдики, резус-манфий иммунизациясиз ҳомиладорлар кичик гуруҳида янги туғилган чақалоқлар ва постнатал гемолитик анемия ривожланган "S" антигени мавжудлиги 11,8% ни ташкил этди, "с" 80,4%, "Е"-0, "е"-94,1% Келл 0,9%, ушбу гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларда фенотиплашда "С" антигени 78,4%, "с" 54,9%, "Е" 11,7%, "е" 90,2% "D" 100% аниқланди, иккинчи кичик гуруҳда резус манфий ҳомиладорлар, уларда янги туғилган чақалоқлар гемолитик касаллик аломатларисиз ижобий резус омили билан туғилган, тукқан аёлларда фенотип 1А кичик гуруҳидан фарқ қилган.

Резус фенотипларнинг учраш частотаси

Гуруҳлар		Резус фенотипининг учраши													
		C*		c*		E*		e*		Kell		d		D*	
		n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
I A – резус манфий иммунизациясиз аёл, Резус мусбат гемолитик касаллиги бор ҳомила (n=51)	Ҳомила дорлар	6	11.8	41	80.4	0	0	48	94.1	1	1.9	2	3.9	0	0
	Чақалоқлар	40	78.4	28	54.9	6	11.7	46	90.2	0	0	0	0	49	100
I B – резус манфий иммунизациясиз аёл, Резус мусбат гемолитик касаллиги кузатилмаган ҳомила (n=29)	Ҳомила дорлар	24	82.8	19	65.5	5	17.2	21	72.4	1	2.5	0	0	0	0
	Чақалоқлар	6	20.7	19	65.5	2	6.8	18	62.1	0	0	0	0	29	100
I C – резус манфий иммунизациясиз аёл, Резус манфий гемолитик касаллиги кузатилмаган ҳомила(n=34)	Ҳомила дорлар	7	20.6	24	70.6	1	2.9	26	76.5	0	0	1	2.9	0	0
	Чақалоқлар	17	50	27	79.4	4	11.8	31	91.2	0	0	4	11.8	0	0
Жами (n=114)		37	32,5	60	52,6	6	5,2	95	83,3	2	1,8	9	7.9	78	68,4
x2		271.6		197.2		213.5		207.5		3.5		1.3		65.2	
p		0.001		0.001		0.001		0.001		0.9		0.9		0.05	

Ушбу гуруҳда "C" антигени 82,8%, "c" антигени 65,5%, "E" - 17,2%, "е" - 72,4% "d" - 2,5%, Учинчи I C кичик гуруҳида резус-манфий қонга мансуб болалар туғилганда фенотип "C" антигени 20,6%, "c" антигени 70,6%, "Ee" - 2,9%, "е" - 76,5% "d" - 2,9%, ушбу гуруҳда янги туғилган чақалоқлар фенотиби "S" антигени 50%, "c" антигени 79,4%, "Ee" - 11,8%, "е" - 91,2%, "D" - 0%, "d" - 11,8% ни ташкил этди. Статистик таҳлилда маълумотлар прогностик аҳамиятга эга бўлган $p < 0.05$.

Ҳомиланинг гемолитик касаллигини башорат қилиш ва олдини олишда фақат қон гуруҳи ва резус-омилни таҳлил қилиш ҳар доим ҳам маълумот беравермайди. Она қонини резус антигенлар бўйича фенотиплаш муҳим

прогностик омил ҳисобланади, чунки она қонида ретсессив С (78.4%) ва Е (90.2%) антигенларини аниқланиши ҳомила қонида асосий С ва Е антигенлари мавжудлигида иммунизациясиз аёлларда чақалоқларнинг постнатал гемолитик касаллиги ривожланиш хавфини оширади (OR=2.97; RR=1,39), ушбу кўрсаткич такрорий ҳомиладорлик каби омиллар мавжудлигида сезиларли даражада ошади (OR=6,02; RR=1,51), анамнезда репродуктив йўқотишлар (OR=4,1; RR=2,09), ўрта мия артериясида қон оқимининг кучайиши (OR=4,43; RR=2,40).

Допплероетрик тадқиқотлар шуни тасдиқлайдики, ГБКда ҳомила қон оқими кўрсаткичлари компенсатор-мослашув реакциясининг яққол ифодаланганлигидан далолат беради, бир томонлама ўзгаришларга эга, бу эса ҳомиланинг она қорнидаги азобланишини дифференциал баҳолашга имкон бермайди. Фетоплатсентар комплекснинг (ФПК) доплерографик текширувидан GBS ривожланиш хавфи юқори бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳларини башорат қилиш учун фойдаланиш керак. Бироқ, ташхис қўйишда ультратовуш текшируви, кардиотокография ва доплероетрия маълумотларини талқин қилишга комплекс ёндашув муҳим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, резус антигенлар бўйича она ва ҳомила қонини фенотиплаш ҳомиладорликнинг мумкин бўлган асоратлари ҳақида башорат қилиши, ҳомиладорлик асоратлари ривожланиши учун хавф омилларини эрта бартараф этиш (муддатидан олдинги туғруқ хавфининг олдини олиш, ўткир респиратор инфекция, гипертензив ҳолатларни ўз вақтида даволаш, ҳомиладор аёллар анемияси, сийдик йўллари инфекциялари) мумкин, ҳомила доплероетриясини назорат қилиш, ҳомиладорликгача ва ундан кейинги соматик патологияларнинг ремиссияси ҳомиладорликнинг янада қулай кечиши ва натижасига ёрдам беради.

